



САБЗИ КОВЛАГИЧ ЭЛЕВАТОРИ ЙЎНАЛТИРГИЧИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

Норчаев Даврон Рустамович,

техника фанлари доктори,

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти,

e-mail: davron_1983k@mail.ru;

Чоршанбиев Равшан Хушмуродович,

мустақил изланувчи, Қарши мухандислик-иқтисодиёт институти,

ORCID: 0000-0001-6973-7690, e-mail: ravshanbek79@mail.ru

Аннотация. Мақолада сабзи ковлагич элеватори йўналтиргичининг параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқот натижалари келтирилган ҳамда муаммонинг илмий-техник ечими бўйича тадқиқот йўналиши белгиланган. Изланишлар шуни кўрсатадики, тупроқ-иклим шароитининг ўзгарувчанлиги сабабли сабзини ковлагичлар билан йигиштиришда илдизмеваларнинг тупроқдан ажralиши қўйинлашади, элакланиши жараёни мураккаблашади ва натижада машинанинг ортиқча юкланиши содир бўлади. Ушбу муаммони ҳал қилишда илдизмевали тупроқ массаси элеватор юзаси бўйлаб маълум бурчакда силжитилиши талаб этилади. Бундан ташқари, агротехник талаб бўйича элеватордан тушган илдизмевалар ер юзасига 80 см гача кенглиқда ташлаб кетилиши зарур. Юқоридаги талабларни бажариш мақсадида сабзи ковлагич элеваторига йўналтиргич ўрнатилди. Тадқиқотнинг мақсади элакланадиган массани элеватор кенглиги бўйича маълум бурчакда йўналтириб, илдизмеваларни энг кам заарраган ҳолда, тўлиқ элакланиши ва уларнинг ер юзасига белгиланган кенглиқда ташлаб кетилишини таъминлайдиган сабзи ковлагич элеватори йўналтиргиchinинг параметрларини асослашдир. Сабзи ковлагич элеватори йўналтиргиchinинг геометрик ва кинематик параметрлари ўрганиб чиқилди. Йўналтиргиchinинг конструктив параметрлари ва унинг кинематик кўрсаткичлари назарий жиҳатдан асосланди. Сабзи ковлагич элеватори йўналтиргиchinинг куйидаги рационал параметрлари аниқланди: $b_u = 20 \text{ см}$, $a_u = 28-30^\circ$, $L_u = 40-42 \text{ см}$, $V_c = 0,6 \text{ м/с}$, $S_{nk} = 230-236 \text{ см}$. Сабзи ковлагич элеваторининг элаклашифатини янада ошириш учун йўналтиргиchin

Кириш

Ҳозирда жаҳон миқёсида табиий ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, сабзавотларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, уларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кафолатли етказиб бериш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, қўл меҳнатини енгиллаштириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни татбиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда ҳам сўнгги йилларда аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги, жумладан, сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сабзавот экинлари, жумладан, сабзи етиштириш ва уни йиғиб олишда ҳам янги инновацион технологияларни жорий этишга катта эътибор қартилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади элакланадиган массани элеватор кенглиги бўйича маълум бурчакда йўналтириб, илдизмеваларни энг кам заарраган ҳолда тўлиқ элакланиши ва уларни ер юзасига белгиланган кенглиқда ташлаб кетилишини таъминлайдиган сабзи ковлагич элеватори



ри йўналтиргичининг параметларини асослашдир.

Элаклаш принциплари ва элакловчи ишчи органлар мавзусида кўпгина олимлар тадқиқотлар олиб боришган. С.Н. Борычева, Н.В. Бышова, Н.И. Верещагина, С.В. Герасимова, В.П. Горячкина, Е.А. Глухих, И.П. Гудзенко, Ю.И. Зиновьевна, М.Н. Ерохина, Н.Н. Колчина, М.Ю. Костенко, С.Н. Крашенникова, Н.И. Кривогрова, И.Е. Кущева, В.А. Макарова, Л.М. Максимова, М.Г. Мацепуро, Г.Д. Петрова, И.М. Полночева, И.М. Постникова, К.А. Пшеченкова, И.Р. Размысловича, А.А. Сорокина, М.Б. Угланова, И.А. Успенского, Н.В. Фирсова, К. Baganz, W. Noack, J. Brecka, Т.Э. Остонакулов, Р. Норчаев, Д. Норчаев шулар жумласидан.

Материал ва методлар

Сабзи ковлагич элеватори унинг асосий қисми ҳисобланади. Сабзи ковлагич элеватори қисмларининг параметларини хисобга олган ҳолда, ковлагич конструкциясини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Сабзи ковлагич элеватори қисмларининг параметларини асослаш ковлагичнинг габарит ўлчамлари, сифат ва энергетик кўрсаткичлари қандай бўлишига асосий таъсир кўрсатади.

Сабзи ковлагич элеватори йўналтиргичининг асосий параметрлари қуйидагилардан иборат (1-расм):

α_u – йўналтиргичнинг ковлагич рамасига ўрнатилиш бурчаги, градус;

L_u – йўналтиргичнинг умумий узунлиги, м;

h_u – йўналтиргич баландлиги, м;

b_u – йўналтиргичлар элеватори устидағи кўндаланг эни, м;

n_u – йўналтиргичлар сони, дона.

Элаклаш даражасини ошириш ва сабзиларни дала юзасига уюмлаб кетиш учун элеватор устида йўналтиргичлар ковлагич рамасига қўзғалмас равишда қотирилган (1-расм).

биринчи элеваторнинг охирига ўрнатиши ва иккинчи элеватор энини 90 см гача қисқартиши орқали тадқиқотларни давом эттириш белгилаб олинди.

Калит сўзлар: сабзи, ковлагич, элеватор, йўналтиргич, узунлик, тезлик, ишқаланиш, бурчак, ўлчам.

ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ НАПРАВИТЕЛЯ ЭЛЕВАТОРА-МОРКОВОКОПАТЕЛЯ

Норчаев Даврон Рустамович,

доктор технических наук,

Научно-исследовательский институт


механизации сельского хозяйства;

Чоршанбиев Равшан Хушмуродович,

самостоятельный соискатель,

Каршинский инженерно-экономический институт

Аннотация. В статье представлены результаты теоретического исследования по обоснованию параметров направителя элеватора-морковокопателя, а также обозначено направление исследований по научно-техническому решению проблемы. Исследования показывают, что из-за изменчивости почвенно-климатических условий при уборке моркови копателями трудно отделить корни от почвы, усложняется процесс просеивания, и как следствие, происходит перегрузка машины. Для решения этой задачи корнеплодную почвенную массу необходимо перемещать под определенным углом по поверхности элеватора. Кроме того, по агротехническим требованиям, отпадающие от элеватора корни следует оставлять на земле шириной до 80 см. Чтобы выполнить вышеуказанные требования, мы установили направитель на элеватор для выкопки моркови. Целью исследования является обоснование параметров направляющей морковокопательного элеватора, обеспечивающего полное просеивание ситовой массы с минимальным повреждением корнеплодов за счет направления их под определенным углом по ширине элеватора и оставления их на указанной ширине. Изучены геометрические, кинематические параметры направляющей элеватора морковокопателя. Теоретически обоснованы конструктивные параметры направителя и его кинематические характеристики. Определены следующие рациональные параметры направителя элеватора для выкопки моркови: $b_u = 20$ см, $\alpha_u = 28-30^\circ$, $L_u = 40-42$ см, $V_c = 0,6$ м/с, $S_{nk} = 230-236$ см. Для дальнейшего улучшения качества просеивания морковокопательного элеватора было принято решение продолжить исследования, установив направляющую в кон-



1-расм. Сабзи ковлагич конструктив схемаси:

1 – қазиш лемехлари; 2 – панжарасимон юмшатгич; 3 – асосий элеватор; 4 – каскадли элеватор; 5 – ғилдирак; 6 – йўналтиргич; 7 – уюмлагич.

це первого элеватора и уменьшив ширину второго элеватора до 90 см.

Ключевые слова: морковь, копатель, элеватор, направитель, длина, скорость, трение, угол, размер.

RATIONALE FOR THE PARAMETERS OF THE ELEVATOR GUIDE OF THE CARROT DIGGER

Norchaev Davron Rustamovich,

Doctor of Technical Sciences,

Research Institute of Agricultural Mechanization;

Chorshanbiev Ravshan Khushmurodovich,


Independent Researcher,

Karshi Engineering and Economics Institute

Abstract. The article presents findings from theoretical studies into parameters of an elevator guide of a carrot digger, and indicates the research focus on the scientific and technical solution of the problem. Studies show that due to variability of soil and climatic conditions when harvesting carrots, it is difficult for diggers to separate roots from the soil, the sifting process gets more complicated and, as a result, the machine becomes overloaded. To solve this problem, the root soil mass needs to be moved at a certain angle along the surface of the elevator. Moreover, according to agrotechnical requirements, the roots that fall off the elevator should be left on the ground with a width of up to 80 cm. To fulfill the above requirements, we installed a guide on the elevator for digging carrots. To justify the parameters of the guide of the carrot digging elevator, which ensures

Тупроқ палахсасининг элеватор устидаги ҳаракати давомида ва сабзиларнинг йўналтиргичлар билан ўзаро таъсирилашиб натижасида улар маълум бурчак остида ҳаракатланиб, дала юзасига уюм ҳолида ташлаб кетилади.

2-расмда ковлагич рамасига α_u бурчак остида ўрнатилган иккита йўналтиргич тасвирланган.



2-расм. Йўналтиргичларнинг каскадли элеватор устида бир-бири ва рамага нисбатан жойлашиш схемаси

Сабзи илдизмевалари икки қаторли ковлагичлар билан ковланганда, агротехник талаб бўйича уларни дала юзасига уюмлаб кетиши эни 80 см дан кичик бўли-



ши керак [1]. Биз таклиф этаётган сабзи ковлагич элеваторларининг эни 120 см эканлигини ҳисобга олсак, унда йўналтиргичларни ковлагич рамасига бурчак остида ўрнатишида 80 см энида сабзи илдизмевалари уюмланиши таъминланиши ҳисобга олиниши зарур.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили

Сабзи илдизмеваларининг йўналтиргич юзасида минимал ишқаланишини таъминлаш учун дастлаб уларнинг йўналтиргич юзасида ишқаланиб юришидаги вақтни қуидаги ифода орқали аниқлаймиз:

$$t_c = L_{\ddot{u}} / V_c, \quad (1)$$

бунда V_c – сабзи илдизмеваларининг йўналтиргич юзасида ҳаракатланиш тезлиги, м/с.

2-расмдан қўриниб турибдики, йўналтиргич узунлиги қуидаги ифода орқали аниқланади:

$$L_{\ddot{u}} = b_{\ddot{u}} / \sin \alpha_{\ddot{u}}, \quad (2)$$

Юқорида келтирилган манбаларга кўра, сабзи ковлагич элеваторидан тушаётган сабзи-тупроқ массасининг дала юзасидаги эни 80 см дан кичик бўлиши ва элеватор энининг қиймати 120 см эканини ҳисобга олиб, $b_{\ddot{u}}$ қийматини қуидаги ифода орқали аниқлаймиз:

$$b_{\ddot{u}} = \frac{B_{\ddot{u}} - \sigma_{\ddot{u}}}{2}, \quad (3)$$

бунда $\sigma_{\ddot{u}}$ – йўналтиргичларнинг пастки учлари орасидаги масофа, м.

(3) ифодага $\sigma_{\ddot{u}} = 80$ см ни қўйсак, $b_{\ddot{u}}$ нинг қиймати 20 см эканини аниқлаймиз.

Сабзи илдизмеваси элеватор устида ҳаракатланаётганда ва йўналтиргич юзаси билан таъсирилашганда, эркин сирпаниши лозим.

Бунинг учун сабзи илдизмевасининг йўналтиргич бўйлаб сирпанишини таъминлашдаги бурчак қуидаги ифода орқали аниқланади [10]:

complete sifting of the sieve mass with minimal damage to root crops by directing them at a certain angle along the width of the elevator and leaving them at the specified width. The geometric, kinematic parameters of the carrot digger elevator guide have been investigated and the design parameters of the guide and its kinematic characteristics are now theoretically substantiated. The rational parameters of the elevator guide for digging carrots have been determined as follows: $b_{\ddot{u}} = 20$ sm, $\alpha_{\ddot{u}} = 28-30^{\circ}$, $L_{\ddot{u}} = 40-42$ sm, $V_c = 0,6$ m/s, $S_{nk} = 230-236$ sm. In order to further improve the screening quality of the carrot digger elevator, it was decided to continue the research by installing a guide at the end of the first elevator and reducing the width of the second elevator to 90 cm.

Keywords: carrot, digger, elevator, guide, length, speed, friction, angle, size.


$$\alpha_{\ddot{u}} = \frac{\pi}{2} - \frac{\varphi}{2}, \quad (4)$$

бунда φ_c – сабзи илдизмевасининг ишқаланиш бурчаги.

Сабзи илдизмевасининг йўналтиргич юзаси бўйлаб ишқаланиш бурчаги $\varphi_c = 30-34$ градусни ташкил этишини қабул қилиб, $\alpha_{\ddot{u}}$ нинг қийматлари мос равишда 28-30 градусни ташкил этади.

(2) ифодага йўналтиргичларнинг кўндаланг эни $b_{\ddot{u}}$ ва йўналтиргичнинг ковлагич рамасига ўрнатилиш бурчаги $\alpha_{\ddot{u}}$ қийматларини қўйиб, йўналтиргичнинг умумий узунлиги $L_{\ddot{u}}=40-42$ см эканини аниқлаймиз.

3-расмга кўра, сабзи илдизмевасининг элеватор орқали ҳаракатланишида йўналтиргич юзаси бўйлаб сирпанишини ҳисобга олиб, унинг узунлиги ҳисбланди. Йўналтиргич рамага нисбатан $\alpha_{\ddot{u}}$ га тенг бурчак остида ўрнатилган бўлсин.



3-расм. Йўналтиргич узунлиги ва рамага нисбатан ўрнатилиш бурчагини аниқлаш схемаси



Бунда сабзи илдизмевалари йўналтиргичнинг V нуқтасига келганда, унинг юзаси бўйлаб қўйидаги тезлиқда сирпаниб ҳаракатланади:

$$V_c = C_s \cos \alpha_{\bar{u}}. \quad (5)$$

Сабзи илдизмевасининг йўналтиргич юзасида сирпаниб ҳаракатланишида унга F ишқаланиш кучи таъсир этади. Ушбу ишқаланиш кучи қўйидаги ифода орқали аниқланади:

$$F = f_c m_c \left(f_s g \cos \alpha_s \sin \alpha_{\bar{u}} - \frac{V^2 \cos^2 \alpha_{\bar{u}}}{L_{\bar{u}}} \right), \quad (6)$$

ёки

$$F = f_c m_c f_s g \cos \alpha_s \sin \alpha_{\bar{u}} - \frac{f_c m_c V^2 \cos^2 \alpha_{\bar{u}}}{L_{\bar{u}}}. \quad (7)$$

бунда m_c – сабзи илдизмевасининг массаси, кг; f_c , f_s – сабзи илдизмевасининг элеватор чивиқлари ҳамда йўналтиргич билан ишқаланиш коэффициентлари; g – эркин тушиш тезланиши, м/ s^2 ; α_s – элеваторнинг горизонтга нисбатан оғиш бурчаги, градус.

Сабзи илдизмевасининг йўналтиргич билан ишқаланиши натижасида шикастланмаслиги учун қўйидаги шарт бажарилиши лозим: $F_{nuc} \geq F$, бунда F_{nuc} – сабзи илдизмевасининг йўналтиргичга рухсат этилган ишқаланиш кучи.

$$F_{nuc} \geq f_c m_c f_s g \cos \alpha_s \sin \alpha_{\bar{u}} - \frac{f_c m_c V^2 \cos^2 \alpha_{\bar{u}}}{L_{\bar{u}}}. \quad (8)$$

$$V_s \geq \sqrt{(f_c m_c f_s g \cos \alpha_s \sin \alpha_{\bar{u}} - F_{nuc}) \frac{L_{\bar{u}}}{f_c m_c \cos^2 \alpha_{\bar{u}}}}. \quad (9)$$

(9) ифодага $f_c=0,57$, $f_s=0,70$, $m_c=0,1$ кг, $\alpha_s=30^\circ$, $\alpha_{\bar{u}}=30^\circ$, $F_{nuc}=1,2$ Н қийматларини қўйиб, элеватор тезлиги $V_s \geq 0,71$ м/с дан катта бўлиши лозимлиги аниқланди.

(9) ифоданинг қийматларини (5) ифодага қўйиб, сабзи илдизмевасининг йўналтиргич юзаси бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги қўйидаги ифода орқали аниқланади:

$$V_c = \sqrt{(f_c m_c f_s g \cos \alpha_s \sin \alpha_{\bar{u}} - F_{nuc}) \frac{L_{\bar{u}}}{f_c m_c}}. \quad (10)$$

(10) ифодага юқоридаги қийматларни қўйиб, сабзи илдизмевасининг йўнал-

тиргич бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги $V_c = 0,6$ м/с га тенг эканлиги аниқланди.

(10) ифоданинг қийматларини (1) ифодага қўйиб, сабзи илдизмеваларининг йўналтиргич юзаси бўйлаб ҳаракатланиш вақти t ни қўйидаги ифода орқали аниқланади:

$$t = \frac{L_{\bar{u}}}{\sqrt{(f_c m_c f_s g \cos \alpha_s \sin \alpha_{\bar{u}} - F_{nuc}) \frac{L_{\bar{u}}}{f_c m_c}}}. \quad (11)$$

(10) ифодага юқоридаги қийматларни қўйсак, сабзи илдизмеваларининг йўналтиргич юзаси бўйлаб ҳаракатланиш вақти $t=0,7$ с ни ташкил этади.

Сабзи илдизмеваларининг элеватор бўйлаб ҳаракатланишида йўналтиргич билан таъсирилашганда, умумий қўйидаги йўл S_{nk} ни босиб ўтади:

$$S_{nk} = L_{ac} + L_{k\bar{u}} + L_{\bar{u}} \quad (12)$$

ёки

$$S_{nk} = L_{ac} + L_{k\bar{u}} + L_{\bar{u}} + b_{\bar{u}} / \sin \alpha_{\bar{u}} \quad (13)$$

бунда L_{ac} – асосий элеваторнинг узунлиги, м; $L_{k\bar{u}}$ – каскадли элеватор учидан йўналтиргич учигача бўлган масофа, м.

(13) ифодага $L_{ac} = 120$ см, $L_{k\bar{u}} = 74$ см ва $L_{\bar{u}} = 42$ см қийматларини қўйиб, сабзи илдизмеваларининг элеватор бўйлаб ҳаракатланишида умумий $S_{nk} = 230-236$ см йўлни босиб ўтиши аниқланди.

Хуносалар

Сабзи ковлагич элеватори йўналтиргичининг қўйидаги рационал параметрлари аниқланди: йўналтиргичларнинг пастки учидан элеватор четигача бўлган масофа $b_{\bar{u}}$ нинг қиймати 20 см, сабзи илдизмевасининг йўналтиргич бўйлаб сирпанишини таъминлашдаги бурчак $\alpha_{\bar{u}}$ нинг қийматлари мос равишда 28-30 градус, йўналтиргичнинг умумий узунлиги $L_{\bar{u}} = 40-42$ см, сабзи илдизмевасининг йўналтиргич бўйлаб ҳаракатланиш тезлиги $V_c = 0,6$ м/с, сабзи илдизмеваларининг элеватор бўйлаб ҳаракатланишида умумий йўл $S_{nk} = 230-236$ см.



Сабзи ковлагич элеваторининг иш самара-
дорлигини янада яхшилаш мақсадида йўнал-
тиргични биринчи элеваторнинг охирига ўр-

натиш ва иккинчи элеватор энини 90 см гача
қисқартириш орқали тадқиқотларимизни
давом эттириш режалаштирилган.

REFERENCES

1. Norchayev D., Norchayev R. Korneklubnekopatel [Root-digger]. *Yevroaziatskiy soyuz uchenih – Eurasian Union of Scientists*, 2019. no. 4 (61), pp. 55-57.
2. Listopad G.Ye., Demidov G.K., Zonov B.D. et al. Selskohozyaystvenniye i meliorativniye mashini [Agricultural and reclamation machines]. Moscow, Agropromizdat, 1986, 688 p.
3. Alakin V.M., Nikitin G.S. Rezultati issledovaniy texnologicheskogo protsessa kartofelekopatelya [Research results of the potato digger technological process]. *Selskohozyaystvenniye mashini i tehnologii – Agricultural Machines and Technologies*, 2018, no. 5, pp. 14-19.
4. Nikitin G.S., Alakin V.M., Plahov S.A. Opredeleniye ratsionalnoy skorosti vrasheniya rabochih organov intensivnoy zoni separatsii rotatsionnogo kartofelekopatelya [Determination of the rational speed of rotation of the working bodies of the intensive separation zone of the rotary potato digger]. *Agrarniy nauchnyi jurnal – Agrarian Scientific Journal*, 2019, no. 6, pp. 96-100.
5. Jain M., Rani V., Kumar A. Design and development of tractor operated carrot digger. *Agricultural mechanization in Asia, Africa and Latin America*, 2018, no. 3 (49), pp. 79-85.
6. Zhongcai W., Hongwen L., Yijin M., Chuanzhu S., Xueqiang L., Wenzheng L., Guoliang S. Experiment and analysis of potato-soil separation based on impact recording technology. *International Journal of Agriculture and Biology*, 2019, no. 5 (12), pp. 71-80.
7. Lu G. Y., Shang S.Q., Wang D.W., Li J.D., Han W.P., He X.N. Study on lacy components of carrot harvester. *Journal of Agricultural Mechanization Research*, 2016, no. 2, pp. 119-122.
8. Pramod R.A., Moses S.C., Aalam R.N. Performance evaluation of adjustable elevator for tractor drawn potato digger. *International Journal of Current Microbiology and Applied Sciences*, 2018, no. 7 (11), pp. 1502-1513.
9. Petersen T., Hampf H. Einsatz einer pneumatischen Trennan-lage in der Annahmestrecke des Kartoffellagerhaus Broderstorf [Use of a pneumatic separation system in the acceptance section of the Broderstorf potato warehouse]. *Agrartechnik*, 1984, no. 7 (34), pp. 314-316.
10. Ahmed M.O., Abd El-Wahab M.K., Tawfik M.A., Wasfy K.I. Evaluating of a prototype machine for carrot crop harvesting suitable for small holdings. *Zagazig Journal of Agricultural Research*, 2018, no. 1 (45), pp. 213-226.
11. Sibirev A.V., Aksakov A.G., Mosyakov M.A. Experimental laboratory research of separation intensity of onion set heaps on rod elevator. *Journal of Engineering and Applied Sciences*, 2018, no. 23, pp. 10086-10091.
12. Sibiryov A.V., Aksakov A.G., Mosyakov M.A. Rezultati eksperimentalnih issledovaniy separatsii voroha luka-sevka na prutkovom elevatore s asimmetrichno ustanovlennimi vstryahivatelyami [Results of experimental studies of separation of a heap of onion sets on a bar elevator with asymmetrically installed shakers]. *Engineering Technologies and Systems*, 2019, no. 1, pp. 91-108.
13. Dorokhov A.S., Sibirev A.V., Aksakov A.G. Results of laboratory investigations of soil screening ability of a chain digger with asymmetric vibrator arrangement. *INMATEH – Agricultural Engineering*, 2019, no. 1 (57), pp. 9-18.
14. Dorokhov A.S., Aksakov A.G., Sibirev A.V. Methodological justification of dynamic systems model construction by artificial neural networks. *INMATEH – Agricultural Engineering*, 2019, no. 2 (58), pp. 63-75.
15. Sibirev A.V., Aksakov A.G., Dorokhov A.S., Ponomarev A.G. Comparative study of force action of harvester work tools on potato tubers. *CAAS agricultural engineering journal*, 2019, no. 3 (55), pp. 85-90.



16. Dorokhov A.S., Sibiryov A.V., Aksenov A.G. Rezulmati polevih issledovaniy separatsii voroha luka-sevka na prutkovom elevatore s asimmetrichno ustanovlennimi vstryahivatelyami [Results of field studies of separation of a heap of onion sets on a bar elevator with asymmetrically installed shakers]. *Engineering Technologies and Systems*, 2020, no. 1 (30), pp. 133-149.
17. Dorokhov A.S., Sibirev A.V., Aksenov A.G., Sazonov N.V. Justification of design and technological parameters of the onion harvester bedshaping roller spiral drum. *INMATEH - Agricultural Engineering*, 2020, no. 1, pp. 107-114.
18. Dorokhov A.S., Sibirev A.V., Aksenov A.G., Mosyakov M.A. Laboratory-field research results for onion cleaning. *INMATEH - Agricultural Engineering*, 2020, no. 2 (57), pp. 4148.
19. Chorshanbiyev R. O'zbekiston sharoitida sabzi kovlagich elevatori ishchi organlarining parametrlarini asoslash [Substantiation of the parameters of the working bodies of the carrot excavator in the conditions of Uzbekistan]. *Ilm-fan va innovatsion rivojlanish - Science and innovative development*, 2021, no. 2, pp. 85-91.
20. Norchayev R., Norchayev D., Chorshanbiyev R. Obosnovaniye parametrov reshetchatogo rihlitelya kopatelya morkovi v usloviyah Respublikи Uzbekistan [Justification of the parameters of the lattice ripper of the carrot digger in the conditions of the Republic of Uzbekistan]. *Selskohozyaystvenniye mashini i tehnologii - Agricultural machines and technologies*, 2020, vol. 14, no. 3, pp. 15-19. DOI: 10.22314/2073-7599-2020-14-3-15-19/.

Тақризчи:

Батиров З.Л., т.ф.д., "Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва сервис" кафедраси мудири, Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти.